

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЗИЯТОВ МУСУЛМАН ПАНЖИЕВИЧ

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШДА СУВ ТЕЖОВЧИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ**

(Суғориладиган типик бўз, тақир-ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида)

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor (DSc)
on agricultural Sciences**

Зиятов Мусулман Панжиевич

Вўза навларини парваришлашда сув тежовчи технологиялардан
фойдаланишнинг илмий-амалий асослари (суғориладиган типик бўз,
тақир-ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида) 3

Зиятов Мусулман Панжиевич

Научно-практические основы использования водосберегающих
технологий при выращивании сортов хлопчатника (в условиях
орошаемых типичных серозёмов, такырно-луговых и серо-луговых
почв)..... 29

Ziyatov Musulman Panjievich

Scientific and practical foundations for the use of water-saving technologies in
the cultivation of cotton varieties (under conditions of irrigated typical
serozem, takyr-meadow, and meadow-serozem soils) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЗИЯТОВ МУСУЛМАН ПАНЖИЕВИЧ

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШДА СУВ ТЕЖОВЧИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ (Суғориладиган типик бўз, тақир-ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи
тупроқлари шароитида)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/Qx234 рақами билан рўйхатга олинган.**

Фан доктори (DSc) диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Шамсиев Акмал Садриддинович
Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Хамидов Мухаммадхон Хамидович
Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Болтаев Сайдудло Махсудович
Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Жураев Умид Анварович
Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақами илмий кенгашнинг « 10 » 09 2025 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, УзПИТИ кўчаси, ПСУБАЙТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: pahtauz@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 300 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, УзПИТИ кўчаси, ПСУБАЙТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил « 26 » 08 да тарқатилди.
(2025 йил « 26 » 08 даги 1 рақамли реєстр баённомаси).



Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор.

Ф.М.Хасинова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
профессор.

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маълумки, Ер сайёрасининг қарийб учдан икки қисмини сув ташкил этади. Ундан 98 фоизи ичиш ва хўжалик эҳтиёжлари учун яроқсиз шўр сувлар бўлиб, фақатгина тахминан 2 фоизи чучук сув захираларига тўғри келади. Ушбу чучук сув захирасининг 79 фоизи музликларда, 20 фоизи ер ости сувларида, қолган 1 фоизи эса кўл ва дарёларда жойлашган¹. Шунинг учун сув манбаларини тақчиллигини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқишни ва амалиётга кенг жорий қилишни тақазо этмоқда. Ҳозирда Испанияда 4,5 млн. га, Бразилияда 4,5 млн. га, Ҳиндистонда 7,7 млн. га АҚШда 13,8 млн. га майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Жумладан, ғўза экин билан банд майдонларда сув тежовчи технологиялар умумий майдоннинг 45 фоизини ташкил этиб, ундан томчилатиб суғориш технологияси 12,4 фоиз майдонда қўлланилмоқда. Аҳоли сонининг ортиб бориши, қишлоқ хўжалик экин турлари майдони кўпайиши ва саноат корхоналари кенгайиши натижасида йилдан-йилга сувга бўлган талаб ортиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида деҳқончилик юритишда, сув ва ресурстежамкор технологиялардан кенг самарали фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Сўнги йилларда иқлимнинг глобал исиши натижасида табиатда юз бераётган сув танқислигининг салбий оқибатларини кучсизлантириш ҳамда сув ва ресурстежовчи технологияларни кенг майдонларда қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш пахтадан юқори ҳосил олишни таъминлаш бўйича хорижий олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Сув танқислигини юмшатиш мақсадида сув тежовчи технологияларни такомиллаштириш, замонвий, янги усул ва агротехнологик ёндошувлар асосида самарали йўллари аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиб тупроқлар унумдорлигини ошириш аграр фаннинг истиқболлари йўналишига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Жумладан, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли фармон билан 2020–2030 йилларга мўлжалланган сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси тасдиқланган бўлса, 2022 йил 1 мартда қабул қилинган ПҚ-144-сонли қарорида эса сувни иқтисод қиладиган агротехнологияни ишлаб чиқишни янада такомиллаштириш вазифалари белгиланган.² Ўзбекистонда охириги йилларда деҳқончиликда экинларни парваришда сув тежамкор технологияларга эътибор тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда ғўза етиштириладиган 338 510 гектар ерда сув ва ресурстежамкор суғориш технологиялари жорий этилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич анча ошган. Шу жумладан, умумий 675 527 гектар

¹ [http://www. faostat.org](http://www.faostat.org)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144-сон қарори.

майдонда замонавий суғориш усуллари қўлланилиб, шундан 55 825 гектарида томчилатиб суғориш, 30 608 гектарида дискрет усулида суғориш, 154 194 гектарида эгилувчан қувурлар орқали ва 28 988 гектарида плёнка ёрдамида мулчалаб суғориш амалиётга жорий этилган. Бундай технологиялар қўлланилганда, ғўза учун зарур бўлган намлик, ҳаво, иссиқлик ва озукалар етарли миқдорда таъминланади ҳамда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши жадаллашиб, юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси ҳисобланган пахтачиликда ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, юқори ҳосилдорликка эришишда илғор инновацион технологияларни кенг жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан 2024 йил 5 январда қабул қилинган ПҚ-5-сонли “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора ва тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика миқёсида фан ва технологиялар ривожини таъминлашга қаратилган V-устувор йўналиш - “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” соҳаси доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Қишлоқ хўжалигида сув манбаларини тежамкорлик билан қўллаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг тупроқ-иқлим, мелиоратив, гидрогеологик ва экологик шароитлари ҳамда ўсимлик талабларини ҳисобга олган ҳолда сув истеъмоли, суғориш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш борасида дунёдаги етакчи илмий марказлар, университетлар ва тадқиқот муассасалари кенг изланишлар олиб бормоқда.

Жумладан, Australian Cotton Research Institute (Австралия) экинларни сув-озуқа-ҳаво-туз-иссиқлик мувозанатини сақлаш ва суғоришнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш бўйича фаолият юритса, Food and Agriculture Organization (FAO) ҳамда Institute of Cotton Research сув сарфини тежайдиган янги технологияларни яратиш ва экинларга сувни ўз вақтида ва миқдорида етказиш усуллари такомиллаштирмоқдалар. Исроилдаги Institute of Hydrology and Water Resources Management сувни тежаш технологиялари, тупроқ намлигини рақамли таҳлил қилиш, суғоришни бошқариш ва сув оқимини тартибга солишнинг назарий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Ҳиндистоннинг Indian Agricultural Research Institute ва Хитойдаги Shehezi University глобал иқлим ўзгаришлари шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор сув билан таъминлаш, сув ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этишда фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, Ҳиндистон институтлари турли суғориш технологияларининг тупроқнинг ҳажм массаси ва сув билан таъминланиш даражасига таъсирини ўрганмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда турли тупроқ

иклим ва мелиоратив шароитларида ғўзани суғоришда сув тежамкор мақбул суғориш тартиби, сув сарфи, суғориш меъёрлари ва муддатлари ҳамда суғориш техникаси элементларини ўрганиш устида кенг қамровли илмий изланишлар Б.Е.Еременко, В.М.Легостаев, С.Н.Рыжов, М.П.Меднис, Н.Т.Лактаев, Г.А.Безбородов, Ф.М.Сатторов, Н.Ф.Беспалов, В.Т.Лев, Ф.М.Рахимбаев, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўсимликнинг сувга бўлган талабига қараб суғориш, тупрокни ирригация эрозиясидан ҳимоялаш, далаларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, экинларни озиклантиришда сув ва ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ҳамда тола сифатига таъсири бўйича А.Э.Авлияқулов, Г.А.Безбородов, Б.С.Мамбетназаров, Р.К.Икрамов, Б.Ф.Қамбаров, Ш.Н.Нурматов, М.Х.Ҳамидов, А.С.Шамсиев, С.Х.Исаев, Б.С.Камилов, Б.Ш.Матякубов, М.М.Хасанов, М.А.Авлияқулов, С.М.Гаппаров, Н.Х.Дурдиев ва W.Dzicdzic, U.Or, S.S.Magar, B.U.Sonvane, J.C.Henggeler, J.Dambon, C.R.Camp, E.J.Sadler, W.J.Busscher, Г.Русков, Р.Stanko, G.A.Constable, Guttman, Joseph; Berger, Diego; Pumayalli Saloma, Rene, I.J.Rochesterлар R.L.Shogren, R.Duan, M.Buser, J.Wichman, Yin-Li. Liang, Wu X., J.J.Zhu, G.Singh, H.S.Stkhon, O.Sharma каби маҳаллий ва хорижий олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Лекин, ғўза қатор орасини қора полиэтилен плёнка билан мулчалаб қўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиб суғориш, фертигация усулида озиклантириш, томчилатиб суғоришни ғўза навлари морфобиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда суғориш режимларини ҳамда сувдан самарали фойдаланиш бўйича етарлича илмий ва амалий тадқиқот ишлари ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг Диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг **ҚХА-7-057** рақамли “Ќўза қатор орасини мулчалаш ва фертигация ҳамда эгилувчан қувурлар орқали суғоришнинг ресурстежамкор тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй), **А-КХ-2019-40** рақамли “Илдиз тизими томчилатиб суғоришга мослашган, курғоқчиликка ва гармселга чидамли янги ғўза навлари ҳамда уларни парваришлаш бўйича самарали агротехнологияларни яратиш” (2019-2021 йй), **ПЗ-202011297** рақамли “Тупрокнинг мақбул мелиоратив режимини таъминловчи ғўзанинг ресурстежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган (2022-2023 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: Республикамининг типик бўз, ўтлоқи тақир ва бўз ўтлоқи тупроқларида ғўзанинг районлашган ва янги навларидан юқори ҳамда сифатли пахта хосили олишни таъминлайдиган сув тежовчи замонавий технологиялардан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ғўза навларини турли суғориш технологияларида парваришлашда типик

бўз (автоморф), ўтлоқи тақир ва бўз ўтлоқи (ярим гидроморф) тупроқларининг сув-физик ҳамда агрокимёвий хоссаларини ўрганиш;

ўтлоқи тақир ва типик бўз ҳамда бўз ўтлоқи тупроқларида ғўза навларини сувтежамкор технологияларида парваришлашнинг мақбул суғориш тартиби ҳамда давомийлиги, суғориш техникаси элементларини ўрганиш ва баҳолаш, бир центнер ҳосил учун сув сарфи миқдорини ҳамда даланинг мавсумий сув мувозанатини аниқлаш;

ғўза навларини эгатлаб суғоришда қатор ораларини мулчлаш, ўқариқлар ўрнига эгилувчан кўчма қувурлардан фойдаланиш, ўсимликни азотли минерал ўғитлар билан озиклантиришни фертигация усулида ўтказиш, шунингдек томчилатиб суғориш тизимини қўллашда сув тежамкор технологиялари самарадорлигини аниқлаш;

томчилатиб суғориш технологияси асосида парвариш қилинадиган ғўза навлари илдиз тизимини тупроқнинг фаол қатламида ривожланишини ўрганиш;

тежамкор суғориш технологияларида парваришлашда ўсимликни ўсиш, ривожланиш ҳамда ҳосил тўплаши ва унинг тола сифат кўрсаткичларига ўзаро таъсирини аниқлаш;

ғўзани районлашган ва янги навларини сув тежовчи технологиялардан фойдаланиб суғоришда халқаро қабул қилинган БМТнинг (FAO) услубиятига мувофиқ қиёсий баҳолаш;

ғўзанинг районлашган ва янги навларини, сув тежовчи технологияларда суғоришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

олинган илмий натижалар асосида ғўзанинг районлашган ва янги навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган, сув тежовчи замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотлар объекти сифатида Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз, Сурхондарё вилоятининг тақир ўтлоқи ҳамда Жиззах вилоятининг бўз-ўтлоқи тупроқлари, С-6524, С-6570, С-8298, Порлоқ-4, Сурхон-104, Бухоро-102, Султон, Истиклол-14, СП-1607, Сурхон-106, Пахтакор-3 ғўза навлари, қора полиэтилен плёнка, очиқ ва мулчаланган эгатлар, кўчма эгилувчан қувурлар ҳамда томчилатиб суғориш олинган.

Тадқиқотлар предмети бўлиб, ғўзани суғориш усуллари ва тартиби, тупроқнинг сув-физик ва агрокимёвий хоссалари, тупроқдаги тузлар миқдори, тупроқнинг ҳисобий намлаш қатлами, суғоришлар сони ва меъёрлари, мавсумий сув сарфи, ўсимликнинг сув истеъмоли, ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизимини шаклланиши, ҳосил тўплаши ҳамда толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда ғўза ўсимлигига оид биометрик кўрсаткичлар, фенологик ҳисоб-китоблар ҳамда тупроқ ва ўсимлик намуналарини тўплаш ҳамда таҳлил қилиш ишлари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения” ҳамда “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” номли услубий қўлланмалар бўйича амалга оширилган. Ғўзани суғориш меъёрларини

аниқлашда БМТнинг FAO ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган CROPWAT дастури қўлланилган. Тадқиқот натижалари Б.А.Доспеховнинг бир ва кўп омилли усули ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science) компьютер дастурлари ёрдамида математик-статистик таҳлиллар қилинган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўзани эгатлаб суғориш усулида кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш, қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб мулчалош ҳамда ўсимликни фертигация усулида озиклантириш технологияси ишлаб чиқилган. Бунда ўрта толали “Наврўз” ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда гуллашгача 0-50 см, гуллаш ва ҳосил тўплашда 0-70 см ҳамда пишиш фазасида 0-50 см тупроқ қатлами намлаб суғорилганда 1232 м³/га сув иқтисод бўлиши аниқланган;

Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ғўза навларини томчилатиб суғориш усули орқали парваришда энг мақбул суғориш тартиблари ишлаб чиқилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг автоморф типик бўз тупроқлари учун ғўзанинг истиқболли янги С-8298 нави тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибда, Сурхондарё вилоятининг яримгидроморф тақир ўтлоқи тупроқларида янги истиқболли Истиқлол-14 навини 70-75-65 % тартибда, Жиззах вилоятининг бўз ўтлоқи тупроқларида эса янги Пахтакор-3 ғўза навини 75-75-60 % тартибда суғориш мақбул эканлиги аниқланган;

ғўзанинг С-6524, С-6570, С-8298, Порлоқ-4, Сурхон-104, Бухоро-102, Султон, Истиқлол-14, СП-1607, Сурхон-106 навлари томчилатиб суғориш тизимида ўрганилиб, ривожланиш фазалари бўйича илдиз тизими тупроқнинг 30-50 см қатламида тарқалиши, типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг С-8298 навининг илдиз тизими 42,5 см чуқурликда, тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида Истиқлол-14 навининг илдиз тизими 58,2 см чуқурликда ривожланганлиги ҳамда томчилатиб суғориш тизимига мос эканлиги илмий тадқиқот натижалари бўйича асосланган;

Жиззах вилоятининг ярим гидроморф, ўртача шўрланган бўз ўтлоқи тупроқларида Пахтакор-3 ғўза нави томчилатиб суғориш технологиясида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда таъминланганда, мавсум давомида тупроқдаги тузлар тўпланиши 27-30 % га камайган, суғориш учун сарфланган сув 33-35 % тежалган ва пахта ҳосили 5,4 ц/га га ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзани суғоришда сув тежовчи технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича Тошкент вилоятининг автоморф типик бўз тупроқ билан қопланган майдонларда ғўзанинг ўрта толали “Наврўз” навини қаторлар орасига қора плёнка тўшаб мулчалаб кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиб суғориш ва минерал ўғитлар билан фертигация усулида озиклантиришда мавсумий 3317 м³/га сув сарфланиб, 27,1 % сув тежалишига эришилган ҳамда пахта ҳосили 4-5 ц/га, рентабеллик даражаси 23 % га ортган;

типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг янги С-8298 навини ТСда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-60 % тартибда 13 маротаба суғорилган ва бир марталик суғориш меъёри 215-275 м³/га ни, суғоришлар оралик муддати 5-7

кунни, ҳар бир суғориш давомийлиги 6,0-8,0 соатни, мавсумий суғориш меъёри 3596 м³/га ни, тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида ғўзанинг Истиклол-14 навини ТСда тупроқ намлиги 70-75-65 % тартибда 12 маротаба суғорилиб, ҳар бир суғориш меъёри 230-317 м³/га ни, суғоришлар оралик муддати 7-9 кунни, ҳар бир суғориш давомийлиги 6,0-7,0 соатни, мавсумий суғориш меъёри 3371 м³/га ни ташкил қилиб, суғоришга сарфланган сув миқдори ўртача 39,8-43,5 % сув тежалишига эришилган;

ғўзанинг С-8298 нави илдиз тизими 42,5 см чуқурликда, тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида Истиклол-14 навининг илдиз тизими 58,2 см чуқурликда шаклланиб, томчилатиб суғориш тизимига мос навлар эканлиги аниқланган ҳамда пахтадан 5-6 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

Жиззах вилоятининг кучсиз шўрланган бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўзанинг Пахтакор-3 навини томчилатиб суғоришда 5 марта, бир марталик томчилатиб суғориш меъёри 310-345 м³/га ни, жами мавсумий суғориш меъёри 1820 м³/га ни, ғўза қўш қаторлаб (60х30 см) экилганда эса 6 маротаба суғорилган ва ҳар марталик томчилатиб суғориш сарфи анъанавий эгатлаб суғориш усулига нисбатан тежалган сув миқдори 33-35 % ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган кўп йиллик лаборатория ва дала шароитида ўтказилган тажрибалар натижаларига асосланиб, амалий ва назарий таҳлиллар ўзаро уйғунликда эканлиги аниқланди. Илмий хулосалар амалий натижалар билан тасдиқланган ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этилиб, тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар етакчи мутахассислар томонидан ижобий баҳоланиб, ҳар йили лаборатория ҳамда дала тажрибалари апробациядан ўтказилган. Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ҳамда, илмий ҳисоботлар услубий ва илмий кенгашларда муҳокама қилинган. Тажрибалар маълумотлари математик ва статистик усулларда таҳлил қилинган ва диссертациянинг асосий натижалари хорижий ҳамда республика миқёсидаги илмий журналларда чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамиятига сув тежайдиган технологиялардан самарали фойдаланишда ғўза қаторлари орасини қора полиэтилен плёнка билан мулчалаб суғориш, кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш, шунингдек, ўсимликларни фертигация усулида озиклантириш, ғўза навларини томчилатиб суғориш сони, тартиби, муддати ва меъёрлари ҳамда ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, илдиз тизимининг шаклланиши, ҳосилдорлиги, бир центнер пахта ҳосили учун сарфланган сув миқдори ва пахта толаси технологик сифат кўрсаткичларига бевосида таъсири илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти эса ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаш орқали мулчалош, кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланган ҳолда суғориш ҳамда ўсимликларни фертигация усули билан озиклантириш технологияси, илдиз тизими томчилатиб суғоришга мос келадиган ғўза навлари танлангани ва кучсиз шўрланган тупроқларда ғўзани томчилатиб суғориш тартибларини

агрокластерлар ва фермер хўжаликларида қўлланилгани юқори даражада даромад ва рентабелликка эришиш имкониятини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республиканинг Тошкент, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари тупроқ-иклим шароитларида ғўзани парваришlashда сув тежовчи технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Ўғзани суғоришда замонавий ресурстежамкор технологияларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 12.11.2024-йил №05/01-05/02-05/04-03-368-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар бугунги кунда фермер хўжаликлари ва агрокластерларда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Ўғзани турли қатор орасини қора полиэтилен плёнка билан мулчлаш, эгилувчан қувурлардан фойдаланиб суғориш ва фертигация усулида озиклантириш технологияси Марказий тажриба хўжалигида 5,0 га, Пискент тумани Исфандиёр МЧЖда 11,0 га, Муҳаммадали агро бизнес ф/х 16,0 га, Ҳасанов Абдумутал ф/х 13,0 га, жами 45,0 майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 12.11.2024-йил №05/01-05/02-05/04-03-368-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 5,2-6,6 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган ҳамда суғориш суви 25,4-27,1 % тежалишига эришилган.

Ўғзани С-8298 навини томчилатиб суғориш технологиясида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибда парваришlash Тошкент вилояти Бўка тумани Амиршукур Шукурзари ф/х 14,0 га, Абдурафе Ражабзода ф/х 13,0 га, Маруф Сарвар ф/х 14,3 га, тажриба хўжалигида 6,5 га, жами 47,8 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 12.11.2024-йил №05/01-05/02-05/04-03-368-сон маълумотномаси). Натижада, 41-43 % сув иқтисод бўлишига эришилиб, рентабеллик даражаси 22-24 фоизни ташкил қилган.

Томчилатиб суғориш тизимида ғўзанинг истиқболли Истиклол-14 навини ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-65 % тартибда суғориш Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Илҳомбек-Раҳмон ф/х 40,0 га, Жарқўрғон тумани Халқобод Агро ф/х 14,0 га, Миркомил Достонович ф/х 20,0 га, Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида 27,0 га, жами 101,0 га майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 12.11.2024-йил №05/01-05/02-05/04-03-368-сон маълумотномаси). Бунда, гектаридан 5,3-6,8 центнер қўшимча пахта ҳосили олиниб, суғориш сувлари 39,5-41,7 % иқтисод қилинган.

Ўғзанинг Пахтакор-3 навини томчилатиб суғориш тизимида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда суғориш технологияси Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани Агроном Саъдулла даласи ф/х 20,0 га, Файз саломат ф/х 24,0 га, Шавкат ф/х 20,0 га, Набижон ф/х 24,0 га, Оқ йўл ф/х 30,0 га, Мархабо Марҳамат Диамонд ф/х 15,0 га, Пахтакор тумани ПСУЕАИТИ Жиззах ИТС да 20,0 га, жами 153,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази 12.11.2024-йил №05/01-

05/02-05/04-03-368-сон маълумотномаси). Натижада бўз-ўтлоқи тупроқларида ғўзанинг Пахтакор-3 навидан ҳар гектаридан 4,0-4,6 центнер қўшимча пахта ҳосили олиниб, томчилатиб суғоришда 23,1-25,4 % сув иқтисод қилиниб, рентабеллик 15-18 % га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Лаборатория ва дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда ПСУЕАИТИнинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, юқори баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий мақолалар нашр қилинган. Улардан 10 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган бўлиб, шуларнинг 9 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган. Шунингдек 3 таси республика миқёсидаги, 3 таси халқаро анжуманлар тўпламларида ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, шунингдек Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши, тартиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган, ғўза навларини суғориш тартиблари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлил қилинган. Типик бўз тупроқлар шароитида янги ва районлашган ғўза навларини суғориш усуллари, тартиблари ва етиштириш агротехнологиялари бўйича етарлича изланишлар ўтказилмаганлиги сабабли ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш зарурлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, йиллик об-ҳаво маълумотлари, тадқиқот услубиёти ва тажриба тизими, ўрганилган ўрта толали ғўза навлари тавсифи ва тажрибада ўтказилган агротадбирлар бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Мазкур диссертация мавзуси бўйича илмий-амалий тадқиқотлар уч хил тупроқлар шароитида тажрибалар билан олиб борилди. Бунда, ғўза навларини парваришlashда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича кўп йиллик тадқиқотлар бажарилди. Бунда, Давлат илмий-техника дастурлари доирасида ҚХА-7-057-2015 рақамли “Ўза қатор орасини муълчалаш ва фертигация ҳамда эгилувчан қувурлар орқали суғоришнинг ресурстежамкор тизимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2015–2017 йй.), А-КХ-2019-40 рақамли “Илдиз тизими томчилатиб суғоришга мослашган, қурғоқчиликка ва гармселга чидамли янги ғўза навлари ҳамда уларни парваришlash бўйича самарали агротехнологияларни яратиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги ҳамда ПЗ-202011297 рақамли “Тупроқнинг мақбул мелиоратив режимини таъминловчи ғўзанинг ресурстежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш” (2022-2023 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида амалий тадқиқотлар ўтказилган.

Барча тадқиқотлар Республиканинг турли-тупроқ иқлим шароитларини қамраган ҳолда Тошкент вилоятининг типик бўз, Сурхондарё вилоятининг тақир ўтлоқи ҳамда Жиззах вилоятининг бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитларида олиб борилган.

Ўзани парваришlashда сувтежамкор технологияларни самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш масалалари устида илмий тадқиқотлар 2015-2017 йилларда ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба участкаси № 86-контурида 1,1 га майдонда, механик таркиби оғир қумоқ, эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларида олиб борилди.

Тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бирининг ҳисобий майдони 240 м², уч қайтариқда, бир ярусда жойлаштирилди. Тадқиқотларда барча кузатувлар, ўлчовлар ва таҳлиллар ПСУЕАИТИ (собик ЎзПИТИ)да қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида олиб борилди, агротехник тадбирлар хўжалиқда қабул қилинган тартибда амалга оширилди.

Навбатдаги тажрибалар ғўзани томчилатиб суғориш (ТС) технологиясида парваришlashга мос ғўза навларини танлаш, уларни ресурстежамкор самарали бошқариш йўллариини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалари 2019-2022 йилларда ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба хўжалигининг ер ости сувлари 10 м дан пастда жойлашган, автоморф шароитда шаклланган эскидан суғорилиб келинган типик бўз тупроқлари ҳамда институтнинг Сурхондарё илмий тажриба станцияси (ИТС) нинг ярим гидроморф тақир-ўтлоқи, шўрланишга мойил тупроқлари ва сизот суви сатҳи 1,5-2,0 м., минерализацияси 1-3 г/л бўлган ярим гидроморф майдонларда, ҳар бири 2,0 гектарга тенг далаларида ўтказилди.

Шунингдек, Жиззах вилоятининг бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида (2022-2023 йй.) бўйича дала тажрибалари ўтказилган. Тажрибалар кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар билан қопланган майдонларда ўтказилган. Тажриба даласида сизот сувлари сатҳи 2,0-2,5 м чуқурликда жойлашган бўлиб, минерализация даражаси 3-5 г/л ни ташкил қилган.

Тажриба даласида ғўзанинг Пахтакор-3 нави (якка 90 см ва қўшқатор 60x30 см қатор кенгликларида) тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан икки хил 70-

70-60 % ва 75-75-60 % тартибида (3-хил усулда) эгатлаб, эгилувчан қувурлар орқали ва томчилатиб суғорилган озиқлантиришда эса маъдан ўғитларининг $N_{200} P_{140} K_{100}$ ва $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган.

Дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИ да қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмаси асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида кўп омилли дисперсион таҳлил асосида статистик ишловдан ўтказилганлиги қайд қилинган.

Диссертациянинг **“Турли суғориш усулларида ғўзани суғориш ва озиқлантиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган учунчи бобида тадқиқотлар объектлари, тажриба тизимлари, суғориш усуллари ва улардан фойдаланиш услублари, етиштирилган ғўза навларининг тавсифлари ҳамда амалга оширилган агротехник тадбирлари келтирилган.

Тадқиқотлар олиб борилган майдонлар тупроқларининг агрофизик ва сув физик кўрсаткичлари суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда суғоришлар сони ва ҳисобий қатламлар чуқурлиги ошиб бориши билан тупроқнинг ҳажмий массаси ошиб бориши, сув ўтказувчанлиги ва ғоваклиги эса камайиб бориши қонунияти кузатилган. Пахта етиштирилган далада ғўзанинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда суғориш сувидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари аниқлаш бўйича ўтказилган агротехник тадбирлар таснифи баён этилган.

Тошкент вилояти типик бўз тупроқларида анъанавий эгат орқали суғорилган вариантларда амал даври давомида ғўза гектарига $602-980 \text{ м}^3$ меъёрда 6 марта суғорилиб, мавсумий сув сарфи гектарига ўртача 4549 м^3 ни ташкил этган бўлса, қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилган вариантларда гектарига $500-590 \text{ м}^3$ меъёрда 6 марта суғорилган ва мавсумда 3317 м^3 сув сарфланган. Тадқиқотларда энг юқори пахта ҳосили қатор ораси мульчаланган, фертигация усулида озиқлантирилган вариантларда кузатилган ёки гектаридан 2,7-3,4 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

Азотли ўғитлар билан ғўзани озиқлантириш таҳлил қилинганда энг юқори ҳосил гектарига 200 ва 150 кг меъёрларда қўлланганда аниқланган ёки 100 кг меъёрга нисбатан мос ҳолда 7,3-8,1 ва 3,4-4,5 центнер қўшимча ҳосил олинган. Шуниндек тадқиқотларни бажаришда ишнинг назарий ва амалий жиҳатларини бойитишга қаратилган, халқаро FAO услубиятлари ва дастурлари (Aqua Crop) ва дастурларидан фойдаланиб ғўзани суғориш техникаси элементларини замонавий баҳолаш йўллари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитига мос ғўза навларининг ресурстежамкор суғориш тартибларини ишлаб чиқиш”**, - деб номланган тўртинчи бобида ғўза навларини эгатлаб ҳамда томчилатиб суғориш усуллари орқали суғориб, унинг суғоришлар сони, меъёри ва муддатлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг **«Типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий ҳолати ва агрофизикавий хусусиятлари»**, -деб номланган параграфида тупроқларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хусусиятлари келтирилган. Лаборатория таҳлилларига кўра чигит экишдан аввал тупроқнинг ҳайдов (0-30 см)

қатламида гумус ўртача 0,795 %, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса 0,618 % ташкил этган. Умумий азот ва фосфор қатламлар бўйича мос равишда 0,086 ва 0,061 % ҳамда 0,170 ва 0,141% ни ташкил этган.

Тупроқда тўпланган озика моддаларнинг ҳаракатчан шакллари эса қўйидаги кўрсаткичлар оралиғида ўзгарган. Нитратлар 2,249 ва 1,617 мг/кг га тенг бўлган. Шунга мос ҳолда ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий микдорлари қатламлар бўйича 22,8 ва 12,9 мг/кг ҳамда 291 ва 235 мг/кг атрофида бўлганлиги кузатилган.

Тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги 0-30 см ҳайдов қатламида 1,27 г/см³ ва 52,9 %, 0-50 см қатламида 1,32 г/см³ ва 51,2 %, пастки 0-70 см ҳамда 0-100 см қатламларида мос равишда ўртача 1,35-1,36 г/см³, 50,0-49,6% ташкил этган.

Ушбу бобнинг « **Взани ресурстежамкор усули, суғориш сони, меъери ва муддатлари**», - деб номланган параграфида қўйидаги маълумотлар келтирилган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ғўза эгатлаб суғорилган назорат вариантыда амал даври давомида 6 марта, ҳар бир суғоришда 810-1070 м³/га, мавсумий эса жами 5670 м³/га сув сарфланган. Таҷрибанинг ғўза ТСда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % тартибда 9 марта, 70-75-60 % тартибда эса 11 марта суғорилган.

ТСда сув сарфи режимлар бўйича 300 ва 400 м³/га ни, суғоришлар оралиғи 8-16 кунни, давомийлиги 3,5-7,5 соатни, мавсумий меъери тупроқ намлиги 70-75-60 % тартибда 3365 м³/га, 65-70-65 %-да эса 3210 м³/га ни ташкил қилган.


Вза ТСда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % тартибда 11 марта, 70-75-60 %да эса 13 марта суғорилди. Бунда, сув сарфи меъерлари режимлар бўйича ўртача 300 ва 390 м³/га ни, суғоришлар оралиғи 5-14 кунни, давомийлиги суғориш меъерига боғлиқ равишда 6,0-7,0 соатни, мавсумий суғориш меъери тупроқ намлиги 65-70-65 % да 3840 м³/га ни, 70-75-60 % тартибда суғорилган вариантда эса 4117 м³/га ни ташкил қилган.

Ушбу бобнинг еттинчи параграфида ғўза навларининг турли суғориш усулларида илдиз тизимининг ривожланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Вза эгатлаб суғорилган вариантларда илдиз тизими асосан тупроқнинг 10-70 см қатламида, ТСда эса 10-40 см қатламида тарқалганлиги кузатилган. Бу ТСда ғўза сув ва озика билан яхши таъминланиши ҳисобига илдиз тизими тупроқнинг унумдор қатламида ривожланиб ҳосилдорликни ошишига олиб келган.


Суғориш усуллари ва тартибларини ғўзани районлашган, янги ва истиқболли навларининг илдиз тизимини ривожланиши турлича бўлган. Бунда ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда эгатлаб суғоришда ғўзани илдизи Порлоқ-4 навида 10-67 см да, С-6524 навида 10-75 см да, С-6570 навида 10-70 см да, “Сурхон-104” навида 10-80 см да, С-8298 навида эса асосий илдиз тизими 10-73 см тупроқ қатламида тарқалганлиги кузатилганлиги қайд этилган (1-расм).

ТС вариантларда тупроқ намлиги 65-70-65 % тартибда илдизи Порлоқ-4 навида 10-48 см, С-6524 навида 10-49 см, С-6570 навида 10-47 см, Сурхон-104

навида 10-52 см, С-8298 навида эса 10-42 см тупроқ катламида ривожланганлиги аниқланган (2-расм).



1-расм. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида эгатлаб суғоришда ғўза илдиз тизимини ривожланиши (2020-йил)



2-расм. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғоришда илдиз тизимини ривожланиши (2020-йил)

Диссертациянинг “Сурхондарё вилояти тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўзанинг ресурстежамкор суғориш тартибларини ишлаб чиқиш”, - деб номланган бешинчи бобида тупроқнинг озика моддалари, хажм массаси ва сув ўтказувчанлиги таҳлил қилинганлиги, суғоришдан олдинги

тупроқ намлиги ва томчилатиб суғориш усуллари ўрганилиб, сув сарфи, суғориш сони ва муддатлари аниқланганлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Тупроқларининг агрохимёвий хусусиятлари. Лаборатория таҳлиларига кўра чигит экишдан аввал тупроқнининг ҳайдов (0-30 см) қатламида гумус миқдори ўртача 0,783% ни ташкил этган бўлса ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 0,571% га тенг бўлган.

Шунингдек, умумий азот ва фосфор миқдорлари қатламлар бўйича мос равишда 0,073-0,059% ва 0,120-0,109% ни ташкил этди. Тупроқдаги озика моддалаларнинг ҳаракатчан шакллари ушбу қатламларида ўзгариб турди ва нитратли азот 11,72 ва 6,40 мг/кг, фосфор ва алмашинувчан калий миқдорлари 23,4 ва 10,1 мг/кг ҳамда 267 ва 190 мг/кг атрофида бўлиши аниқланган.

Тупроқнинг агрофизикавий хусусиятлари. Тақир ўтлоқи тупроқларнинг ҳажмий массаси ва ғоваклиги 0-30 см қатламда 1,29 г/см³ ва 52,2 %, 0-50 см қатламида 1,30 г/см³ ва 51,8 %, пастки 0-70 см ҳамда 0-100 см қатламларида мос равишда ўртача 1,33 ва 1,39 г/см³, 50,7 ва 48,25 % атрофида ўзгариб туриши кузатилган. Тажриба даласида куйидаги қонуниятни кўриш мумкин, яъни эрта баҳордан кеч кузга қадар ва ҳамда генетик қатламлар бўйича тупроқнинг юзасидан пастга қараб чуқурлашган сайин, ҳажмий массанинг ортиб бориши (1,30-1,44 г/см³ гача) ғовакликнинг эса маълум даражада пасайиб (46,6%) бориши аниқланган.

Сурхондарё вилояти тақир ўтлоқи тупроқларда ғўза майдонида тупроқ намлиги 0-50 см қатламда 14,6-15,1 %, гуллаш-ҳосил тўплашда 15,4-15,7 %, пишиш даврида ўртача 12,7-13,1 фоизни ташкил қилди. Суғориш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш учун тупроқнинг ҳисобий намлаш қатлами ғўза анъанавий усулда суғорилганда (вар.1) ғўза гуллашига қадар 0-70 см, гуллаш-кўсаклаш даврида 0-100 см ва пишиш даврида 0-70 см қилиб белгиланган. Шунингдек, эгилувчан қувурлар орқали суғоришда гуллашгача 0-50 см, гуллаш-кўсаклашда 0-70 см, пишиш даврида 0-50 см, ТСда барча муддатларда ғўза 50-50-50 см қатламдаги тупроқ намлиги миқдорида қараб суғорилган. Тажриба даласида суғоришлардан олдин тупроқ намуналари олиниб суғориш муддатлари ва меъёрлари аниқланиб борилган.

Ушбу бобнинг «**Ғўза навлари илдиз тизимида мос томчилатиб суғоришлар сони, меъёр ва муддатлари ҳамда 1 ц ҳосил учун сарфланган сув миқдори**», - деб номланган параграфида Сурхондарё вилоятининг тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида ўтказилган ТСда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % тартибда суғорилган вариантларда тупроқ намлиги 0-50 см қатламда ғўза гуллашгача 13,6-14,1 %, гуллаш-ҳосил тўплашда 14,2-14,9 %, пишишда 13,6-13,9 % бўлди. Тупроқ намлиги 70-75-65 % тартибда эса ғўза гуллашгача 14,4-14,6 %, гуллаш-ҳосил тўплашда 15,5-15,9 %, пишишда 13,4-13,7 % ни ташкил қилган.

Республиканинг жанубида тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида 2020 йилда ўтказилган тажрибада ғўза эгатлаб суғорилган назорат вариантларида амал даври давомида 6 марта суғорилди, бир марталик суғориш меъёри 1100-1335 м³/га ни, мавсумий сув сарфи меъёри эса 7290 м³/га ни ташкил этган.

Ушбу тажрибада ғўза ТС усулида тупроқ намлиги 65-70-65 % тартибда 8

марта, жами 4635 м³/га, 70-75-60% тартибда эса 11 марта жами 4815 м³/га меъёрида суғорилди. Бунда, ўртача вариантлар бўйича бир марталик суғориш меъёри 400-600 м³/га, суғоришлар оралиғи 6-16 кунни, ТС давомийлиги суғориш меъёрига боғлиқ равишда 6,0 соатдан то 10,5 соатгача давом этди. Ушбу бобнинг кейинги параграфида томчилатиб суғориш усуллари ва тупроқдаги намлик захираси бўйича маълумотлар келтирилган.

Тупроқдаги намлик захираси Сурхондарё вилоятининг тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида 2020 йилнинг баҳорида умумий фонда тупроқнинг 0-200 см қатламида 4568 м³/га бўлган бўлса, ғўза вегетацияси даври охирида эгатлаб суғорилган назоратда 3716 м³/га, ТСда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % тартибда бир мунча камайди ва 3612 м³/га ни, тупроқ намлиги 70-75-65 % тартибда эса 3686 м³/га ни ташкил қилган.

Тақир ўтлоқи тупроқларда тўпланган намлик захираси 2021 йилда эрта баҳорда умумий фонда 4299 м³/га, ғўзани вегетацияси даври сўнггида ўсимлик томонидан бўладиган транспирация ва тупроқ юзасидан бўладиган буғланиши ҳисобига 0-200 см тупроқ қатламидаги намлик миқдори камайди. Бунда эгатлаб суғориш назорат вариантларида амал даври сўнггида 3406 м³/га, ТС усулида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % бўлганда 3274 м³/га, суғориш тартиби 70-75-65 % вариантларда эса 3358 м³/га ни ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Вўзани эгатлаб ва томчилатиб суғориш тартибларини ишлаб чиқишда пахта даласининг умумий сув истеъмоли


Тартиб рақами	Кўрсаткичлар	Эгатлаб суғориш (Назорат, 70-70-60 фоиз)	ТС тизими (ЧДНС га нисбатан, 65-70-65 фоиз)					ТС тизими (ЧДНС га нисбатан, 70-75-65 фоиз)				
		Бўхоро-102 (назорат)	Бўхоро-102 (назорат)	Истиклол-14	Султон	Сурхон - 106	СП-1607	Бўхоро-102 (назорат)	Истиклол-14	Султон	Сурхон - 106	СП-1607
1	Вегетация бошидаги тупроқдаги намлик захираси (0-200 см) м ³ /га	4299	4299	4299	4299	4299	4299	4299	4299	4299	4299	4299
2	Вегетация охиридаги тупроқдаги намлик захираси, (0-200 см) м ³ /га	3406	3274	3274	3274	3274	3274	3358	3358	3358	3358	3358
3	Тупроқдаги намлик захирасидан фойдаланилган миқдори, м ³ /га	893	1026	1026	1026	1026	1026	941	941	941	941	941
4	Амал давридаги атмосфера ёғинлари миқдори, м ³ /га (Вртача кўп йиллик)	330	330	330	330	330	330	330	330	330	330	330
5	Суғориш меъёри, брутто м ³ /га	6930	4090	4090	4090	4090	4090	4285	4285	4285	4285	4285
6	Сизот сувларидан илдиз қатламига кўтарилган сув миқдори, м ³ /га	1200	1000	1000	1000	1000	1000	1000	1000	1000	1000	1000
7	Умумий сув истеъмоли, м ³ /га	9353	6446	6446	6446	6446	6446	6556	6556	6556	6556	6556
8	Пахта ҳосилдорлиги ц/га	40,1	42,8	43,2	44,7	44,3	36,0	43,8	44,5	45,1	42,8	36,2
9	1 ц ҳосил олиш учун умумий сув истеъмоли, м ³	233,2	150,6	149,2	144,2	145,5	179,0	149,7	147,3	145,4	153,2	181,1
10	1 ц пахта ҳосили олиш учун сарфланган мавсумий сув миқдори, м ³	172,8	95,6	94,7	91,5	92,3	113,6	97,8	96,3	95,0	100,1	118,4

Тажриба даланинг сув мувозанати ва ғўзани сув истеъмоли кўрсаткичини аниқлаш суғориш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Сурхондарё вилояти шароитида олиб борилган ғўза майдонининг асосий сувга бўлган талабини суғоришлар орқали берилган сув миқдори ташкил қилиб, бу ғўзанинг умумий сув истеъмолининг 74,1 фоизини қоплаши кузатилган.


Тупроқдаги намлик захирасидан фойдаланган қисми 9,5 фоизни, атмосфера ёғинларидан фойдаланган миқдори эса 3,5 фоизни ташкил қилди. Тажрибада эгатлаб суғорилган назоратда ғўзанинг умумий сув истеъмоли 6930 м³/га, ТСда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % тартибда суғорилганда 4090 м³/га, тупроқ намлиги 70-75-65 % тартибда эса 4285 м³/га ни ташкил қилган. Тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида ўтказилган тажрибада ғўза навларини эгатлаб суғорилган назоратда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 1 центнер пахта ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори Бухоро-102 ғўза навида 172,8 м³ суғориш суви сарфланган бўлса, ТС вариантларида ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % тартибда Бухоро-102 навида 95,6 м³, Истиклол-14 навида 94,7 м³, Султон навида 91,5 м³, Сурхон-106 навида 92,3 м³, СП-1607 навида 113,6 м³ сув сарфланган.

Шунингдек, ТС вариантларда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибда суғорилганда эса 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори Бухоро-102 ғўза навида 97,8 м³, Истиклол-14 навида 96,3 м³, Султон навида 95,0 м³, Сурхон-106 навида 100,1 м³, СП-1607 навида 118,4 м³ ни ташкил қилган.

Ушбу бобнинг «Сув тежовчи суғориш усулларида ғўза илдиз тизими шаклланиши» деб номланган параграфидида ғўза илдиз тизимини суғориш усулларида ривожланишини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилоятида олиб борилган тадқиқотларда 2020-йилда ғўзанинг Бухоро-102, Истиклол-14, СП-1607, Султон ва Сурхон-104 навлари тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 ва 65-70-65% тартибларда ТСда, эгатлаб суғоришда эса Бухоро-102 нави 70-70-60 %да илдиз тизими ривожланиши аниқланган (3-расм).



3-расм. Сурхондарё вилояти тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўза навлари илдиз тизимини ривожланиши (2020 йил)



4-расм. Сурхондарё вилояти тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўза навлари илдиз тизимини ривожланиши (2020 йил)

Эгатлаб ва томчилатиб суғориш бўйича олиб борилган тадқиқотларда ғўзанинг илдиз тизимининг ривожланиши бўйича кузатувлар натижасида эгатлаб суғорилган вариантларда асосий илдиз тизими 70-80 см тупроқ қатламида, томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган вариантларда эса 40-64 см тупроқ қатламида ривожланганлиги кузатилган (4-расм).

Диссертациянинг **“Жиззах вилояти бўз ўтлоқи тупроқларида ғўзани суғоришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш”**, - деб номланган олтинчи бобида Жиззах вилоятининг бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида кам шўрланган ва ўртача шўрланган далаларда тажрибалар ўтказилди. Тажрибаларда ғўзани турли экиш схемаларда ва тежамкор суғориш усулларида парваришlash самарадорлиги ўрганилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида **Суғориш усуллари, тартиби ва озиклантириш меъёрларини тупроқдаги озика моддалар миқдорига таъсири** бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларнинг тажриба даласида ғўзанинг Пахтакор-3 нави якка (90 см) қаторлаб, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан икки хил - 70-70-60 % ва 75-75-60 % тартибларда етиштирилди. Бунда, ғўза 3-хил усулда - эгатлаб, эгилувчан қувурлар орқали ва томчилатиб суғорилди, озиклантиришда эса маъдан ўғитлар $N_{200} P_{140} K_{100}$ ва $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га меъёрларда қўлланилган.

Тупроқларнинг агрохимёвий хусусиятлари. Жиззах вилояти бўз ўтлоқи тупроқларининг озика моддалар билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш мақсадида тажриба майдонидан эрта баҳорда ва кузда тупроқ намуналари олиниб уларда чиринди, азотнинг нитрат формаси, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдорлари аниқланди ҳамда тахлил қилинди. Тажриба даласи тупроғи таркибидаги чириндининг дастлабки миқдори (2022 й.) ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,855 % ни ташкил этиб, тупроқ гумус билан кам таъминланганлиги аниқланган.

Кузга бориб тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус кучсиз шўрланган далада (90 см қатор кенглигида) 0,730% ни ташкил қилган бўлса, ўртача шўрланган тупроқларда (60x30 см қатор кенглигида) 0,614 % га тенг бўлди. Суғоришлар тупроқ намлиги 70-70-60% тартибида эгилувчан қувурлар орқали ўтказилган (вар.2,3) вариантларда чиринди миқдори тупроқнинг 0-30 см ва 30-50 см қатламида 0,738 ва 0,626 % ни ташкил қилиб, 0,117 ва 0,106 % га камайганлиги, ТС (вар. 6,7) вариантларда эса 0,765 ва 0,688 % бўлиб, мос ҳолда 0,090 ва 0,044 % гача, ёки эгатлаб суғоришга нисбатан камроқ камайганлиги кузатилган.

Ушбу бобнинг кейинги параграфида **Тажриба далаларидаги тупроқларининг механик таркиби ва агрофизикавий хоссалари** бўйича маълумотлар келтирилган.

Тупроқнинг механик таркиби. Жиззах вилояти бўз ўтлоқи тупроқларининг агрофизикавий хусусиятлари ўзига хослиги билан бошқа ўрганилган тупроқлардан кескин фарқ қилади. Тажрибалар олиб борилган далалар тупроғининг механик таркиби анча енгил бўлганлиги аниқланди.

Лаборатория таҳлиллари натижасида олинган маълумотларнинг далолат беришича, тажриба даласи тупроғида йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари кўп (ўртача 60-65%) тўпланганлиги кузатилди. Физик лойқа (0,01 мм дан кичик заррачалар) миқдори Н.А.Качинский шкаласи бўйича асосан енгил кумоқ бўлиб, айрим қатламлар кумоқ тупроқлар сирасига кириши аниқланган.

Тупроқнинг ғоваклиги ҳам муҳим агрофизик хоссаларидан ҳисобланади.

Жиззах вилояти бўз ўтлоқи тупроқнинг ғоваклиги ҳажм масса кўрсаткичига тескари боғлиқликда бўлди ва 0-30, 0-50, 0-70, 0-100 см қатламларида (баҳорда) вариантлар бўйича ўртача 47,03-47,41-47,03-46,67 фоиз 60x30 см қатор кенглигида ҳамда 90 см қатор кенглигида бу кўрсаткичлар 46,30-46,30-45,93-45,19 фоизга тенг бўлган.

Тупроқнинг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) асосий сув-физик хоссаларидан бири бўлиб, ғўзани суғориш муддатлари ва меъёрларини белгилашда муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда эрта баҳорда тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сиғими аниқланди.

Тажриба даласи тупроғининг ЧДНС ҳайдалма 0-50 см қатламида тупроқнинг мутлоқ қуруқ массасига нисбатан 18,9-18,6 %, 0-70 см қатламда 19,6-19,1 % ни ва тупроқнинг 0-100 см қатламида 20,6-20,0 % ни ташкил этган.

Таҳлилларнинг кўрсатишига кўра Жиззах вилоятининг бўз ўтлоқи тупроқларининг ЧДНС кўрсаткичлари қатламлар бўйича 0-50 см-да - 18,5 %, 0-70 см да - 19,6 % ва 0-100 см-да - 20,6 % ни ташкил этди. Бундай ҳолат ушбу майдонларда ерости сувлари 2,0 м атрофида жойлашганлиги сабабли, тупроқнинг дала нам сиғими кўрсаткичлари бошқа тупроқ типларига нисбатан пастроқлиги билан изоҳланган.

Ушбу бобнинг **“Жиззах вилояти бўз ўтлоқи тупроқларининг шўрланиши динамикаси”** номли параграфида тажриба даласида тупроқнинг шўрланиш даражаси шўр ювишдан олдин, кейин, баҳорда ва кузда аниқланди ва батафсил маълумотлар келтирилган.

Кучсиз даражада шўрланган тажриба даласида шўр ювишдан олдин тупроқнинг 0-40 см қатламида хлор, сульфат ва қуруқ қолдиқ миқдорлари мос

равишда 0,031-0,196-0,372 % ва 0-100 см қатламида 0,036-0,286-0,452 % га тенг бўлганлиги аниқланган.

